

## Ижодкор ёшлар

Ёшларимиз ўртасида илмий фаолиятга қизиқувчи талабаларнинг сони ортиб бормоқда. Йилдан йилга ёшларимиз чет элларда ўтказилаётган илмий анжуманлар ва конференцияларда фаол қатнашиб ўз илмий ишлари билан иштирок этаётгани бизларни қувонтиради. Бу каби ёшлар орасида институтимиз талабалари ҳам борлиги янада қувончли ва фахрлидир.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институт “Ердан фойдаланиш ва ер кадастри” факультети талабалари Абдуқодиров Ш, Ҳамидуллаев Ш, Алимбаев Ж, Тохирова Ф, Давлатов Х, Ҳамдамова Ф, Бойқулов Ж, Раимназарова М, Жонизаков Й, Норбоева Д, Пўлатова К, Жўраева Ф, Г.Тожибоевалар Москвада бўлиб ўтган, “Интернаука” журнали томонидан ўтказилган конференцияда онлайн тарзда иштирок этишди. Бу талабаларнинг мақолалари “Интернаука” журналида чоп этилди ҳамда ташкилотчилар томонидан сертификатлар билан тақдирландилар.



**“Геодезия ва геоинформатика” кафедраси катта ўқитувчиси Ўткир Исломов ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**